

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**

Кимё-биология факультети

География кафедраси

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШ**

**Мавзу: Лотин Америкаси
мамлакатларининг аҳолиси ва хўжалиги
мавзуларини ўрганиш бўйича дидактик
кўргазмали қуроллар тайёрлаш**

**5440500 – География таълим йўналиши
битирувчиси Бафоева Гулмеҳра**

Илмий раҳбар: г.ф.н., доцент Х.Р.Тошов

Ҳимояга тавсия этилди:

май 2010 йил

Бухоро – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	3
 I Боб. Лотин Америкаси географиясига умумий тавсиф	
1.1. Географик ўрни, майдони, чегаралари ва табиати	5
1.2. Лотин Америкаси аҳолиси ва хўжалигига тавсиф	12
1.3. Ўзбекистон – Лотин Америкаси муносабатлари	35
 II Боб. Лотин Америкасининг аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қуроллар тайёрлаш	
2.1. Лотин Америкаси аҳолисини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қуролларнинг тавсифи	42
2.2. Лотин Америкаси хўжалигига оид дидактик кўргазмали қуролларнинг тавсифи	45
 Хулоса ва таклифлар	 48
 Фойдаланилган адабиётлар	 49

Кириш

Жаҳон иқтисодий-сиёсий географияси фани дунёдаги воқеа ходисаларнинг туб моҳиятини ўрганишда катта имкониятларга эга. Чунки, бугунги кунда дунёнинг барча регионлари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги мураккаб муаммоларни бошдан кечирмоқда. Улар ўзининг муҳим ҳудудий, географик жиҳатларига эга. Лотин Америка ҳам ана шундай регионларнинг биридир. Ўқувчиларга ушбу билимларни етказишда дидактик кўргазмали қуроолларнинг аҳамияти катта. Дидактик кўргазмали қурооллар билим олишнинг қўшимча манбалари ҳисобланади. Улар ўқувчиларнинг сиёсий, илмий саводхонлигини оширади, ақлий ривожланишда ва мустақил ижодий ишлаш малакасини эгаллашларида яқиндан ёрдам беради.

Мен Лотин Америкаси аҳолиси ва хўжалигига оид дидактик кўргазмали қурооллар тайёрлаш учун аҳоли ва хўжалик мавзуларини чуқур ўргандим. Шундан келиб чиқиб, Лотин Америкаси аҳолисининг миллий-этник таркиби жойлашуви, хўжалиги, Бразилия давлати иқтисодиётига оид маълумотларни кўргазмали қурооллар орқали ифодаладим. Битирув малакавий ишларининг I бобида Лотин Америкасининг мамлакатлари географиясига умумий тавсиф (географик ўрни, майдони, аҳолиси, хўжалиги, ташқи иқтисодиётида тутган ўрни, ташқи алоқаларининг ривожланиши каби муҳим жиҳатлари очиб) берилди.

II Боб бевосита БМИ мавзусига бағишланди. Дидактик кўргазмали қурооллардан Лотин Америкаси этник харитаси, аҳоли зичлиги, қишлоқ хўжалиги соҳаси, Бразилия иқтисодиёти жадваллари тайёрланди. Ушбу кўргазмалар география фани дарслари самарадорлигини оширади, юқори малакали кўргазмалар тайёрлашни кафолатлайди. Биз ёшлар мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинишидан жуда хурсандмиз. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3

триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган. Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳақида гапирар эканмиз, эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимиз бахти учун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш – бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, шу залда ўтирган инсонлар, керак бўлса, бутун халқимизнинг фикрини ифода қилган бўламан, давлатимиз томонидан қилинган ғамхўрликка жавобан аъло ўқиш билан жавоб берамиз.

Жаҳон иқтисодий ва сиёсий географияси фани дарсларида кўргазмалилик муҳим ўрин тутди. Мени бу мавзунини танлашимда қуйидагилар сабаб бўлди:

1. Жаҳон иқтисодий сиёсий география дарслари самарадорлиги ва сифати дидактик кўргазмали қуроолларга кўп жиҳатдан боғлиқлиги;

2. ДТС ва Таълим тўғрисидаги ҳужжатларда кўрсатилган вазифа ва талабларни бажаришда дидактик кўргазмали қуроолларнинг аҳамияти заруриятидан келиб чиқиб;

3. Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолисининг сони, миллий этник таркиби, жойлашуви хусусиятларининг ўзига хослиги;

4. Лотин Америкаси мамлакатлари (Мексика, Бразилия)нинг жаҳон хўжалигининг “Географик моделида” марказ сифатида ўрин эгаллашидир.

Бугунги кунда жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги воқеа, ҳодисалар тез суратларда ўзгармоқда. Уларнинг туб моҳиятларини ўрганишда жаҳон иқтисодий сиёсий географияси фани катта аҳамият касб этади. Дидактик қурооллар билан билим олишнинг қўшимча манбалари ҳисобланади. Улардан фойдаланиш ўқувчиларнинг сиёсий ва илмий савиясининг, саводхонлигининг ривожланишига, мустақил ижодий ишлаш малакасини эгаллашларида яқиндан ёрдам беради.

Ижодий иш малакаси ҳозирги вақтда ҳар биримиз учун зарурдир.


I Боб. Лотин Америкаси географиясига умумий тавсиф.

1.1. Географик ўрни, майдони, чегаралари ва табиати.

Лотин Америкасига умумий тавсиф.

Лотин Америкаси майдони 21 млн кв.км. Аҳолиси – 577 млн киши. Бу регионда 33 та мустақил давлат бор. Лотин Америкасида 2 та йирик субрегион – Ўрта Америка (мезоамерика) ва Жанубий Америкага ажратилади.


1-чизма.



Жанубий Америка субрегиони ҳам ўз навбатида Анд ва Атлантика бўйи мамлакатлари гуруҳига ажратилади. Жумладан, Аргентина, Чили, Уругвай ва Парагвай “Жанубий конус” мамлакатлари ҳам дейилади. Лотин Америкасини тарихий таркиб топиши узоқ йилларни ўз ичига олади.

Лотин Америкаси давлатлари сиёсий картаси





Бу жараёнлар 4 босқичга бўлиб ўрганилади.

1. Европалик мустамлакачилар келгунга қадар давр.
2. Мустамлакачилик даври
3. Мустамлакачиликдан кейинги давр.
4. II Жаҳон уришидан кейинги давр.

Биринчи босқич 3 та индеец цивилизацияси, давлатчилигини ўз ичига олади

1) Юкатан ярим ороли ва ҳозирги Мексика ҳудуди ва унга ёндош ҳудудларда яшаган майя халқлари цивилизацияси яъни улар кўплаб шаҳар-давлатлар барпо қилган.

2) Ҳозирги мексикаликларнинг марказий қисмларида дастлаб тольтеклар, кейинчалик ацтеклар цивилизацияси

3) Жанубий Америкада инклар цивилизацияси. Улар XV асрда майдони 900 минг км² ли Тауантинсуйу давлатини барпо этган.

II босқич. Испан ва португаллар Лотин Америкасида 2 та йирик мустамлакачилик империяси барпо этишди.

Испан мустамлакачилари майя, ацтек ва инк цивилизацияларини вайрон этиб, ўрнида дастлаб 2 та вице – қироллик – Янги Испания ва Перуни барпо этди. Португаллар эса Бразилияни эгаллашди.

III босқични том маънода миллий озодлик ҳаракатлари даври дейиш ўринли. XV асрнинг бошларидан бошлаб мустамлакаларда миллий озодлик ҳаракатлари кучайди ва ғалаба қозонди. 1810-1825 йилларда Лотин Америкаси сиёсий харитаси тубдан ўзгарди. Испания мустамлакалари ўрнида (Куба ва Пуэрто-Рикодан ташқари) 17 та мустақил давлат пайдо бўлди. Бразилия ҳам португал мустамлакачилари устидан ғалаба қилди. XIX аср охирига келиб Куба ҳам норасмий мустақиллик эришди.

IV босқич. II жаҳон урушидан сўнг Лотин Америкаси сиёсий харитасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди.

Биринчидан, мустамлакачиликни тугатиш давом этди. 1960-1980 йилларда Буюк Британия, Франция, Нидерландияликларнинг 13 та собиқ мустамлакаси (асосан Вест - Индиядаги) ўз мустақиллигини эълон қилди. Иккинчидан, Лотин Америкасининг кўп мамлакатларида сиёсий вазиятлар таҳликали бўлди. 1959 йил Кубада, 1979 йил Никарагуада, 1973 йил Чилида турли революциялар бўлди.

Бугунги кунда ҳам айрим регионларда сиёсий барқарорлик мавжуд. XIX аср бошларига келиб Лотин Америкаси сиёсий харитасида 39 та давлатларнинг 12 таси Буюк Британиянинг бошқарувидаги ҳамдўстликка аъзо, Кариб ҳавзасидаги 5 та орол Франция ёки Нидерландия қироллигининг денгиз орти депортаменти бўлиб, ўз бошқарувига эга, 8 та орол эса Буюк Британия (7таси) ва АҚШ (1та) мулки бўлиб қолди. Пуэрто-Рико эса ўзини бошқарувчи АҚШ га эркин бирлашган – алоҳида давлат. Лотин Америкаси мамлакатлари Хорижий Европа ва Хорижий Осиё мамлакатларидан фарқ қилиб, республика бошқаруви шаклига эга. Ҳатто Буюк Британия ҳамдўстлик таркибидаги Гайана, Доминика, Тринидад ва Табаго ҳам республика. Куба эса региондаги ягона социалистик республика. Лотин Америкаси мамлакатларида унитар маъмурий ҳудудий тузилиш шакл етакчи. Фақат Бразилия, Мексика, Аргентина, Венесуэла, Сент – Китс ва Невисда федерация шакли фаолият кўрсатади.

Лотин Америкаси табиий ресурслари

Лотин Америкаси фойдали қазилмаларининг бойлиги ва хилма-хиллиги уларнинг жуда катта ҳудудларининг геологик ҳамда геологик хусусиятлари билан боғлиқдир. Қора ва рангдор металл маъданларининг ҳавзалари ва конлари, шунингдек испан конкистадорлари, яъни истилочилари диққатини ўзига жалб қилган олтин ва кумуш конлари Жанубий Америка платформаларининг кристали замини ва Анд ҳамда Кордильера тоғларининг бурмали минтақаси билан боғлиқдир. Бу минтақанинг чекка ва тоғ орасидаги букилмаларда эса йирик нефть ва табиий газ конлари пайдо бўлган. Региондаги энг йирик нефть-газ ҳавзалари Венесуэла ва Мексикададир.


Венесуэлада – бу Кариб денгизига чиқувчи тоғ оралиғи ботиғида жойлашган Маракайбо ҳавзасидир. Нефть бу ерда қуруқликда ҳам Маракайбо кўли тагидаги ер бағрида ҳам учрайди. Шунингдек Мексикада нефтли қатламлар ҳам қуруқликда, ҳам шельфда жойлашган. Лотин Америкасида минерал ресурсларнинг ҳудудий тарқалиши геологик, биринчи навбатда тектоник қонуниятлар асосидадир. Шунга кўра Лотин Америкаси 4 та йирик структурага ажратилади.

1. Майдонига кўра энг катта Жанубий Америка платформаси бўлиб, уларнинг асосида шу номдаги плита ётади. Бу платформадаги Бразилия ва Гвиана ясси тоғлиги районида ер юзасига чиққан қалқонларда йирик юқори сифатли (65-70% темир) гематит ва магнетит темир маъданли ҳавзалар учрайди. Шулардан бири Бразилиядаги (Минасжерайс штатида жойлашган) “Каттакон”дир. 1960 йиллардан бошлаб, Бразилиядаги Каражас (заҳираси 18 млрд т) темир маъданли (темир улуши маъдан таркибида ўртача 66%) ҳавза ўрганилиб, ишга туширилди. Шундай йирик конлар Венесуэла ва Боливияда ҳам мавжуд.

Бразилия ва Гвиана ясси тоғлиги этакларида кристалли пойдеворларнинг нураш фаолияти билан боғлиқ йирик марганец конлари бор. Ясси тоғларнинг намгарчилиги юқори чеккаларида янги нураш жараёни таъсирида бокситнинг йирик конлари вужудга келган бўлиб, у жуда йирик босқитли провинциялар

– Венесуэла, Гавана, Суринам, француз Гвианаси ва Бразилия хуудлари бўйлаб чўзилган. Бу ҳавзадаги конлар ер юзасига яқин, очик усулда казиб олиш имконини беради, боксит таркибида 50-60 % глиназём бор.

3 – чизма



2. Жанубий Американинг Тинч океани бўйлаб чўзилган Анд тоғли минтақаси. Бу ёш бурмаланиш области Тинч океани маъданли (металлогенетик) минтақаси таркибига киради. Бу ранг-баранг фойдали казилмалар кўп ҳолларда магматик интрузив ва қадимги вулканизм жараёнлари натижасида вужудга келган. Жумладан, мис, қалайи, темир, кўрғошин-рух, молибден, вольфрам, сурма маъданлари ва нодир металл маъданларини мисол келтириш мумкин. Улар орасида аҳамиятига эса ва кўламига кўра мис ва қалай маъданлари етакчи. Мис конлари Тинч океан маъданли минтақаси учун характерли. У Канада Британия Колумбиясидан Чилининг жанубий районларигача қарийб яхлит йўлак ҳолда чўзилган. Улар Анд доирасида Колумбия, Эквадор, Перу, Чилида аниқланган. Бирок захираларининг 2/3 қисми Чилига тўғри келади. Чилидаги мис маъданлари таркибида 1,6 % металл бор. Очик усулда казиб олинганлиги туфайли

таннархи арзон, мис маъданлари таркиби кўп ҳолларда комплекс, шунингдек таркибида молибден ҳам сақлайди.

Чили ўзининг йирик мис конлари билан машҳур. Уларнинг барчаси юқори Андда жойлашган. Энг машҳур ва энг каттаси Чукикамата, 1915 йилда очилган бўлиб, мамлакатнинг шимолида Атакама чўли районида жойлашган. У денгиздан тахминан 140 км узоқликда, 2800 м баландликда жойлашган, очик усулда казиб олинади. Чукикаматада мис-молибден захираси 10 млрд т. деб баҳоланмоқда, унинг 60 млн. тоннаси мис ва 200 минг т. молибдендир.

Атакама чўлининг жанубий қисмида яна бир йирик Эль-Сальвадор кони жойлашган. Сантьягадан шимолда ер шарига энг баландда жойлашган (3800 м.) Рио-Бланка мис кони бор. Мамлакат пойтахтининг жанубий шаркида 2800-3000 м. баландда сўнган вулкан кратерида Эль-Теньянти кони бор.

Қалайи захирасига кўра Боливия ажралиб туради, Анднинг ғарбий ёнбағри бўйлаб 1000 км лаб қалайи минтақаси чўзилган. Айниқса, кўплаб конлар орасидан Льяльягуа ва Потоси таниқли ва машҳур конлар бўлиб, Льяльягуа кони 3500-3900 м баландда сўнган вулкандда жойлашган, Потоси кони эса регион тарихи учун муҳим рол ўйнаган.

3. Анд тоғлари орасидаги букилмалар ботиклар ва чеккалари учинчи структурани ҳосил қилган. Бу ерда чўкинди фаолияти билан боғлиқ нефт ва табиий газ конлари мавжуд бўлиб, улар Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Аргентинада аниқланган. Региондаги тахминан $\frac{1}{2}$ қасм нефт захираси Венесуэлага тўғри келади. Ўз навбатида ушбу мамлакатдаги нефт захирасининг $\frac{4}{5}$ қисми Маракайбо ҳавзасида бўлиб, у шу номдаги тоғ орасидаги тектоник букилмада жойлашган.

4. Бу структурага барча Ўрта Америка (Мексика, Марказий Америка давлатлари, Антил ороллари ёйи) киради. Бу регион боксит (Ямайка, Доминикан Республикаси), мис маъдани, кумуш ва олтингугуртга (Мексика) бой. Умуман олганда Лотин Америкасида фойдали қазилмаларнинг кўлами

ва ранг-баранглигига кўра 1-Бразилия, 2-ўринда Мексика, кейинги ўринларда Чили, Перу, Колумбия туради.

1.2. Лотин Америкаси аҳолиси ва хўжалигига тавсиф

Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолиси йиллар давомида ўзгариб борган. Масалан, 1900 йилда 64 млн. киши, 1900 йилда 448 млн. киши, 2008 йилд эса 577 млн. кишини ташкил этган. Лотин Америкаси аҳолисининг миллий ва этник таркиби учун тарихий ривожланишнинг таъсири катта. Бу ерда катта уч ирқнинг вакиллари яшайди. Чунончи, европоид, монголоид ва экваториал (негроид). Лотин Америкасида 250 дан ортиқ катта ва кичик халқлар яшайди. Бошқа материк халқларидан фарқли ўлароқ, бу ердаги катта халқларнинг кўпчилиги яқинда шаклланган, яъни туб жой аҳолиси – индеецлар, Европадан келган эмигрантлар ва Африкадан келтирилган қуллар иштирокидаги никоҳлардан туғилганлардир.

Ўрта ва Жанубий Американи европаликлар томонидан кашф этилиши ва босиб олинишигача ушбу ҳудудларда кўпгина маҳаллий аҳоли яшаган. Фандаги гипотезаларга қараганда Лотин Америкаси маҳаллий аҳолисининг авлодлари бу ерга 15-12 минг йил олдин, Беринг бўғози орқали Шимоли-шарқий Осиёдан ўтишган. Айрим олимлар эса бу халқлар бундан ҳам олдинроқ бу ерга Океаниядан келган аجدодларнинг вакиллари ҳисобланади, дейилади.

Колумб томонидан Американи кашф этилишига қадар абориген халқларнинг умумий сони 15-20 млн деб тахмин қилинади. Европалик денгизчиларнинг Ҳиндистонга келдик деб ўйлаган хатоси туфайли XVI асрдан бошлаб бу халқлар **индеецлар** деб атала бошлаган.

Хулоса шуки, Лотин Америкаси халқларининг ирқий ва миллий таркибининг шаклланиши мураккаб бўлиб, 3 та ирқнинг қўшилиши, уларни номланишдаги хатоликлар ҳисобланади.

Индеецлар минг йиллар давомида кўчманчи турмуш тарзида яшади, термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланди, кейинчалик, ибтидоий

жамоа тузумида содда деҳқончилик билан машғул бўлган. Бирок, Ўрта Америка ва Андда яшаган бир неча индеец, халқлар юқори даражадаги цивилизацияга эришганлар, йирик суғориш-ирригация тизимлари, терраса деҳқончилиги ривожланган. Картошка, маккажўхори, дуккакли экинлар, пахта, тамаки, маниок, агава ва бошқа экинларни етиштирганлар, қорамолчилик ривожлана бошлаган. Кейинчалик майя, инк ва ацтекларнинг дастлабки давлатлари вужудга келган. Шундай қилиб, 2 та индеецлар цивилизация ўчоғи ареали Мексика ясси тоғлигида ва Марказий Андда вужудга келган. Колумбгача даврда сақланган ёдгорликлар майя, инк ва ацтекларнинг юқори даражадаги маданиятидан гувоҳлик беради. Эрамизгача биринчи асрларда майяликлар ёзувининг пайдо бўлиши, Ойни айланиш даври, қуёш йилининг давомийлиги тақвими, геометрия, механика ва врачлик соҳасидаги ютуқларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек майя, инк ва ацтеклар томонидан адабиёт соҳасида яратилган эртак, эпос, қўшиқ, афсоналар бизгача етиб келган. Аммо Лотин Америкаси туб жой аҳолиси яратган моддий, маънавий бойликларнинг барчаси бизгача етиб келмаган. “Янги дунёни” испан-португал мустамлакачилари томонидан эгалланиши оқибатида бу маданият яксон қилинган Айниқса, Кариб ҳавзасининг омадсизлигини эслаш кифоя. Гаити, Пуэрто-Рико, Куба, Кичик Антил ороллари, Коста-Риканинг туб аҳолиси XVI асрдаёқ тўлиқ йўқ қилинди.

1521 йил Э.Кортес буйруғи – фармониға асосан Янги Испанияда (Мексика) аҳоли рўйхати ўтказилганда, бу мамлакатда 9 млн дан ортиқ киши яшаганлиги, шунинг 7,3 млн ни ацтеклиги қайд этилган. XIX аср бошларида А.Гумбольд Мексика аҳолисини 5,8 млн деб атаган.

“Олтин васвасаси” туфайли испан конкистадорлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мудҳиш воқеаларни содир этганлар. Испан конкистадори Эрнан Кортес 1521 йил олтин васвасасида Ацтеклар давлати ва унинг пойтахти Теночтитланни ваҳшийларча вайрон этган. Инглиз ёзувчиси Генри Хаччард бу воқеаларни ўзининг “Монтесумлар қизи” китобида батафсил ёзган.


Яна бир конкистадор – Франсиско Писарро инклар давлатини талаб, вайрон этди, мулкларини талон-тарож қилди. У 1532 йил алдов, айёрлик билан Атауальонинг Олий инкини асир олади ва қўйиб юбориш шартига бўйи баравар келадиган, Олий инк қамалга хонани олтин билан тўлдиришни буюради. Инклар сўзларини устидан чиқиб хонани олтин билан тўлдиришади. Аммо Ф.Писарро Олий Инкни атл эттиради. Туб аҳолисини кириб юбориш оқибатида мустамлакачилар олдида ишчи кучи танқислигини келтириб чиқаради. Натижада Африкадан негр-қулларни олиб келиш бошланган. 300 йил давомида қул савдоси туфайли Африкадан Америкага 10 млн негр қул келтирилган. Қул савдоси маркази Ямайка бўлган. Бу ерга биринчи негр-қул 1513 йил келтирилган ва кейин Америка бўйлаб тарқатилган. Лотин Америкасининг кўп давлатларида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қулчилик бекор қилинган. Шундай қилиб, юқорида Лотин Америкасининг 3 та ирқнинг этник элементлари тавсифланади. Регионнинг ижтимоий иерархиясида креоллар (испан ва португал мустамлакачиларининг Лотин Америкасида туғилганлар авлодлари) 1-ўринда, кейинги ўринларда индеецлар, негрлар ва аралаш гуруҳлар туради.

Метислар (креоллар ва индеецлар никоҳидан туғилганлар), мулатлар (креоллар ва негрлар никоҳидан туғилганлар) ва самболар (негр ва индеец никоҳидан туғилганлар) эса аралаш гуруҳларга киради (4-чизмага қаранг).

XIX аср ва XX асрнинг I ярмида Лотин Америкаси “оқ танли” аҳолисининг сони ошди. Бунга биринчидан испан ва португал мустамлакачилик империяларининг “қулаб”, ёш, мустақил давлатларни янги ерларни ўзлаштириш, фойдали қазилмаларни қазиб олишни кўпайтириш учун қўшимча иммиграцияга муҳтожлиги ва иккинчидан денгиз транспортининг ривожланиб иммигрантларни Европадан олиб келиш имкониятларини яратгани бўлди.

2-расм.

Жанубий Американинг этник харитаси



Дастлаб, испан, португаллар кўчган бўлса, кейинчалик италияликлар, немислар, XX аср бошларида эса поляклар, белоруслар, украинлар, руслар ҳам келган. Инглиз француз ва голландлар эса кам келишган. Франция XVIII аср охирида ўзининг мустамлакаси Гвианани сургун қилганлар учун фойдаланди. 1871 йил мағлуб бўлган Париж коммуначиларининг кўпчилиги ҳам шу ерга сургун қилинган. Бу ернинг европаликлар учун ноқулай иқлими яъни қурғоқчилиги уларни қийнади. XIX асрнинг ўрталарига келиб кулчиликнинг бекор қилиниши, Хитой, Индонезиядан ишчи кучи ёлланишига олиб келади. Шу ўринда XX асрнинг 20-40 йилларида японларнинг Бразилияга иммиграциясини ҳам қайд қилиш лозим. Ҳозир бу ерда уларни сони 1 млн. дан ошди.

1-жадвал.

Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиши

Йиллар	Млн киши
1900	64
1920	91
1950	164
1960	216
1980	354
1990	448
1995	481
2005	559
2006	566
2008	577

2-жадвал.

Лотин Америкаси мамлакатларида урбанизация жараёнининг ўсиши.

Йиллар	% ҳисобида
1900	10
1950	41
1960	49
1970	57
1980	65
1990	72
2000	75
2005	77

3-жадвал.

Лотин Америкасидаги йирик шаҳарлар ва агломерациялар (млн киши)

Йирик шаҳарлар ва агломерациялар	1950 й	1970 й	1980 й	1990 й	2000 й
Катта Мехико	3.1	9,1	13,9	16,9	17,9
Катта Сан-Паулу	2.4	8.1	13.0	17.1	17.5
Катта Буэнос-Айрес	5.3	8.4	10.0	10.5	12.4
Катта Рио-де Жанейро	3.0	7.0	8.7	9.8	10

Мехико шаҳри



Лотин Америкаси хўжалигига тавсиф

Лотин Америкаси хўжалигида мустамлакачилик даврида 2 та тармоқ ривожланишига кўра етакчи бўлган. Булар қимматбаҳо металл қазиб чиқариш ва плантацияли тропик экинлар ишлаб чиқариш.

Бу тармоқларнинг маҳсулотлари Испания ва Португалияга ташиб кетилган. Регион мамлакатлари иқтисодиётининг кейинги ривожланиши чет эл капитали билан узвий боғланиб қолди. Аввал Англия, кейинчалик Америка капитали регионда асосий рол ўйнай бошлади. Мексика Венесуэла, Перу, Боливия, Чилидаги нефт конлари ва нефт ишлаб чиқариш корхоналари чет эл компаниялари таъсирида вужудга келди.

Вест – Индия – “Америка шакарчисига” айланди. Бразилия ва Колумбия “Кофе мамлакатлари”га, Марказий Америка – “Банан республикалари”, Аргентина пампаси, Уругвай ва Бразилия – “Тўшт-жун концессияси”га айланди.

Лотин Америкаси хўжалигига қуйидаги хусусиятлар хос:

1. Кўп мулкчилик хўжалик. Кўп мамлакатларда ҳали латифундизм устун бўлиб, уларда капитализмгача бўлган аграр муносабатларнинг турли шакллари сақланиб қолган. Кўп мамлакатларда кооперативлар ва давлат хўжаликлари ташкил этилган.

2. Тор ихтисослашган хўжалик. Ерга ва бошқа табиий ресурсларга яқка эғалик, қишлоқ хўжалигига саноатнинг кириб келиши суст. Кўп мамлакатлари қишлоқ хўжалигида монокультуранинг устунлиги хос.

3. Чет эл капиталига қарамлик.

Йирик мамлакатларнинг тўғри капитал қўйилмалари 50%ни ташкил қилади. Жумладан, қайта ишлаш саноатида 2/3 қисм.

4. Иқтисодиётда давлат секторининг ривожланиши. Саноати.

Жанубий Америка иқтисодий харитаси



Лотин Америкаси мамлакатларининг саноат таркиби турли даражада ўзгарди. Енгил саноатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш томон бурилди. Аргентина, Мексика ва Бразилия регионда қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг 10, 20 ва 45 % ини ишлаб чиқармоқда. Регионда қайта ишлаш саноати маҳсулотининг қиймати ярим нефт ва газга тўғри келади.

Қуйидаги жадваллар Лотин Америкаси регионининг дунёда нефт қазиб олишидаги ўрнини яққол ифодалайди. Лотин Америкаси ер шаридаги қадимги нефтли районлардан биридир. XX асрнинг II ярмидан бошлаб Перуда, XX асрнинг бошларида Мексика, II Жаҳон урушидан сўнг Венесуэлада нефт қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ҳажми тез суръатларда ошиб кетди. Бугун регионнинг 13 мамлакатада нефт ва газ қазиб олинади. Мексика ва Венесуэлада регионнинг 90 фоизи аниқланган нефт захираси жойлашган, уларга қазиб олишнинг 70% улуши тўғри келади.

4-жадвал.

Нефт қазиб олишнинг йирик регионларда тақсимланиши

Регион	Қазиб олиш млн т						
	1950 й	1960 й	1970 й	1980 й	1990 й	2000 й	2005 й
МДХ	40	150	350	605	570	395	575
Хорижий Европа	18	30	35	150	230	330	265
Хорижий Осиё	95	295	770	1165	1165	1455	1570
Африка	2	15	290	270	270	375	467
Шимолий Америка	270	375	545	500	510	480	455
Лотин Америкаси	150	195	270	290	360	520	538
Австралия ва Океания	-	-	8	20	30	35	30

Нефт экспортида Венесуэла ва Мексикадан ташқари Эквадор, Колумбия, Тринидад ва Тобаго, Боливия, Перу, Аргентина ҳам иштирок қилади.

Табиий газ қазиб олиш суръатлари ҳам ошмоқда. Уларнинг 80 % қазиб олиш ва 65 % истеъмоли Мексика, Венесуэла ва Аргентинага тўғри келади. Табиий газ экспортида Боливия етакчи, кўмир саноати сустривожланган. Йилига ўртача 35 млн т қазиб олинади. Колумбия, Мексика, Бразилия, Чили, Аргентина, Перу ва Венесуэлада бу соҳа ривожланган. Кўмир экспортида Колумбия етакчи. Тоғ кон саноати маҳсулоти қиймати бўйича 2-ўринда темир маъдани туради. Дунёда қазиб олинadиган темир маъданнинг 1/5 қисми ушбу регионга тўғри келади. Региондаги темир қазиб олиш ва экспорт қилишда (90 %) Бразилия етакчи. Рангли металлдан мис қазиб олишда Мексика, Чили қалай ишлаб чиқаришда Перу, сурма ишлаб чиқаришда Боливия, Мексика, симобда Мексика, кумуш қазиб олишда Мексика ва Перу, олтин қазиб олишда Бразилия, Венесуэла, Колумбия етакчилик қилади. Регионда 10% дунёнинг олтини, 40% кумуши қазиб олинмоқда.

Лотин Америкаси қишлоқ хўжалиги

Қулай табиий шароит, қишлоқ хўжалиги ерларининг катта қисмини тропик ва субтропик зонада жойлашганлиги йилига 2-4 марта ҳосил олиш имкониятини беради. Аммо ерлардан фойдаланиш даражаси паст. Регион худудининг 1/3 қисми қишлоқ хўжалик ерлари 11 фоизи ишланади.

5-жадвал.

Табиий газни қазиб олишда етакчи регионлар

Регион	Қазиб олиш. млрд м ³			
	1990 й	1995 й	2005 й	
			млрд м ³	%
МДХ	815	600	760	277
Хорижий Европа	225	265	290	10.8
Хорижий Осиё	220	365	600	22.3
Африка	70	85	170	5.9
Шимолий Америка	605	700	710	25.6
Лотин Америкаси	85	105	180	6.3
Австралия ва Океания	20	30	42	1.4

6-жадвал.

Табиий газ истеъмолида регионлар улуши

Регион	Истеъмол %				
	1970 й	1980 й	1990 й	1995 й	2000й
МДХ	22.7	29.9	37.9	29.8	22.4
Хорижий Европа	8.0	15.7	14.2	15.9	21.1
Хорижий Осиё ва Акеания	3.3	7.7	12.3	16.4	19.0
Африка	0.2	1.2	1.9	2.1	1.3
Шимолий Америка	52.6	41.4	29.6	31.1	32.3
Лотин Америкаси	3.2	4.1	4.1	4.7	3.9

7-жадвал.

Табиий газ қазиб олишда етакчи мамлакат

Мамлакат	Қазиб олиш млрд м ³		Мамлакат
Россия	656	74	Саудия Арабистони
АҚШ	524	62	Нидерландия
Канада	187	60	Туркменистон
Ироқ	105	60	Малайзия
Норвегия	88	56	Ўзбекистон
Жазоир	85	50	Хитой
Буюк Британия	80	47	
Индонезия	74	46	Аргентина

8-жадвал.

Лотин Америкасида нефт қазиб чиқариш, млн.т.

1950 й	1970 й	1980 й	1990 й	2000 й	2005 й
150	270	290	360	520	538

9-жадвал.

**Лотин Америкасининг етакчи мамлакатларида нефт қазиб чиқариш
ва экспорт қилиш, млн. т.**

Мамлакат	Нефть қазиб чиқариш, млн.т. 2006 й.	Экспорт қилиш, млн т.
Мексика	183	100
Венесуэла	145	105

10-жадвал.

Лотин Америкасида табиий газ қазиб чиқариш, млрд куб.м

1990 й.	1995 й	2005 й	
		млрд куб м.	Дунёдаги улуши, %
85	105	180	6.3

11-жадвал.

Лотин Америкаси кўмир қазиб чиқариш, млн. т.

1950 й	1960 й	1980 й.	1990 й	2000 й	2005 й
10	15	20	45	50	95

Кўмир казиб олишда етакчи регионлар

Мамлакат	Қазиб олиш, млн т.						
	1950 й	1960 й	1970 й	1980 й	1990 й	2000 й	2005 й
МДХ	260	490	625	715	615	520	995
Хорижий Европа	800	1020	1080	1155	1030	900	680
Хорижий Осиё	165	505	450	845	1510	1870	3100
Африка	35	45	60	115	190	230	400
Шимолий Америка	525	405	550	785	970	1100	1175
Лотин Америкаси	10	15	20	20	45	50	95
Австралия ва Океания	25	35	75	115	260	280	250

Электр энергия ишлаб чиқаришда етакчи регионлар

Регион	Алоҳида манбаларни электр энергия ишлаб чиқаришдаги улуши					
	Кўмир	Мазут	Газ	Гидроэнергия	Атом Энергияси	Бошқалар
	38.9	7.5	12.3	453	24.0	2.0
МДХ мамлакатлари	21.9	8.9	40.0	13.5	15.7	-
Шарқий Европа	37.8	8.6	11.9	25.0	16.7	-
Хорижий Осиё	45.6	14.9	17.5	16.3	4.7	1.0
Хитой	75.0	6.0	0.2	17.5	1.3	-
	6.4	45.4	43.6	4.8	-	-
Африка	50.5	15.8	14.7	15.5	3.1	0.3
Лотин Америкаси	3.0	9.1	10.1	74.5	1.5	1.8

Айрим турдаги маъданларни казиб олиш XXI асрда

Маъдан тури	Қазиб олиш млн т.	Ишлаб чиқарадиган давлатлар
Маъдан, темир маъдани	1150	Хитой, Бразилия, Австралия, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Канада, ЖАР, Швеция.
Марганец	25	Украина, Хитой, ЖАР, Австралия, Бразилия, Ҳиндистон.
Хром	11	ЖАР, Қозоғистон, Туркия, Ҳиндистон, Зимбабве, Финляндия.
Боксит	175	Австралия, Гвения, Хитой, Ямайка, Бразилия, Ҳиндистон, Россия.
Мис	15	Чили, АҚШ, Канада, Индонезия, Россия, Австралия, Перу, Польша, Замбия.
Қўрғошин	3	Хитой, Австралия, АҚШ. Перу, Мексика, Канада, Швеция, ЖАР, Марокаш.
Рух	9	Хитой, Австралия, Перу, АҚШ, Канада, Мексика, Қозоғистон, Ирландия.
Қалайи	0,3	Хитой, Индонезия, Перу, Бразилия, Боливия, Австралия, Россия, Малайзия.
Никель	0.9	Россия, Канада, Янги Каледония, Австралия, Индонезия, Куба, Хитой.
Рудасиз фосфор	150	АҚШ, Хитой, Марокаш, Россия, Тунис.

Лотин Америкасида темир маъдани қазиб чиқариш, млн.т.

Темир маъдани қазиб чиқариш	1990 й	2005 й
Регион бўйича жами:	190	277
Жумладан, Бразилия	155	272
Венесуэла	20	28

**Лотин Америкасида айрим рангли металлургия саноати
маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

Рангли металлургия саноати маҳсулот тури	мамлакат	Маҳсулот миқдори		
Қора мис ишлаб чиқариш	Чили	1400		
	Перу	430		
	Мексика	350		
Боксит қазиб чиқариш млн. т., 2003 й.	Бразилия	21	16	Дунёда
	Ямайка	15	12	боксит
	Суринам	5	-	экспортидаги
	Венесуэла	4	-	улуши %
Алюминий эритиш, млн. т., 2006 й.	Бразилия	1.5		

Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида ерлардан тўлиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Чўл ва чала чўлларда ердан фойдаланиш муаммолари мавжуд. Перуда 1/2, Мексикада 25%, Чилида 23%, Эквадорда 16% ҳайдалдиган ерлар суғорилади.

Деҳқончилик регион қишлоқ хўжалигининг машҳур тармоғи. Фақат Аргентина ва Урагвайдан ташқари регионда қишлоқ хўжалигининг социал-иқтисодий 3 типи шаклланган.

1. Истеъмол – кичик товар хўжалиги

2. Анъанавий - плантацияли

3. Капиталистик

Регионда шакарқамиш, кофе, какао, банан, пахта асосий қишлоқ хўжалиги экинларидир. Шакарқамиш – энг қадимги ва кенг тарқалган маданий экин. У Чили ва Урагвайдан ташқари барча мамлакатларда етиштирилади.

17-жадвал.

Кофе, какао, чой етиштиришда етакчи 10 давлат

Мамлакат	Кофе млн т.	Мамлакат	Какао млн т.	Мамлакат	Чой млн т.
Бразилия	2400	Кот-д'Ивуар	1350	Ҳиндистон	850
Вьетнам	850	Гана	740	Хитой	850
Индонезия	700	Индонезия	600	Шри-Ланка	310
Колумбия	660	Нигерия	370	Кения	200
Мексика	310	Бразилия	200	Туркия	200
Ҳиндистон	270	Камерун	170	Индонезия	165
Эфиопия	260	Эквадор	125	Вьетнам	110
Гватемала	220	Доминикан рес-каси	50	Япония	100
Уганда	185	Колумбия	50	Аргентина	65
Перу	180	Малайзия	40	Ироқ	50

Какао, кофе, чой етиштиришда етакчи 10 давлатдан Бразилия кофе етиштиришда етакчи, бу давлат йилиги 2400 млн тонна кофе етиштиради. Какао етиштиришда Кот-д'Ивуар давлати – бу йилига 1350 млн тонна какао етиштиради. Айрим йирик давлатлардан масалан, Бразилиядан 6 баравар кўп етиштиради. Чой етиштиришда етакчи давлатлардан Ҳиндистон, йилига 850 млн т етиштиради.

Шакар берувчи экинлар етиштиришда етакчи мамлакатлар

Мамлакат	Шакарқамиш млн т.	Мамлакат	Қанд лавлаги млн т.
Бразилия	360	Франция	31
Ҳиндистон	280	АҚШ	28
Хитой	82	Германия	27
Таиланд	62	Россия	22
Покистон	48	Украина	17
Колумбия	48	Туркия	14
Мексика	46	Польша	13
АҚШ	33	Б.Британия	9
Куба	32	Италия	8
Австралия	32	Испания	8
Финляндия	24	Хитой	6

Лотин Америкаси мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида тутган мавқеини қуйидаги жадвал маълумотлари исботлайди.

Бразилия шакарқамиш етиштиришда етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Йилига у 360 млн тонна шакарқамиш етиштиради. Бразилия ва Куба бу соҳада дунёга машхур. Кофе Американинг барча тропик мамлакатларида етиштирилади. 3 та мамлакат эса уларнинг экспортида етакчи. Булар Бразилия (регион экспортининг 2/3 қисми), Доминикан Республикаси, Эквадор регионда бананнинг 10 дан ортиқ нави экилади. Банан – тропик истеъмол экини, камбағал ва қашшоқларнинг овқати деб ҳам айтилади. Банан экспортида Эквадор (1-ўринда), Коста-Рика (2-ўринда) етакчи бўлиб, регион экспортининг ½ қисмини беради. Пахтачилик билан 17 та мамлакат шуғулланади, 11 та мамлакат экспорт қилади. Парагвай, Мексика, Аргентина, Бразилия пахта эспортида етакчи. Донли экинлардан буғдой, маккажўхори, арпа, соя етиштириш ривожланган. Чорвачилик

экстенсив асосида гўшт йўналишида ривожланган. Қорамоллар сонига кўра фақат Хорижий Осиёдан орқада холос.

19-жадвал.

**Лотин Америкаси айрим мамлакатларида чорвачилик
маҳсулотлари ишлаб чиқариш (2005 й)**

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари	Жами млн т.	Аҳоли жон бошига, кг
Гўшт ишлаб чиқариш		
Бразилия	19.3	105
Мексика	5.1	58
Аргентина	4.2	110
Сут ишлаб чиқариш		
Бразилия	23.3	130
Мексика	10.0	95
Аргентина	8.1	215
Жун ишлаб чиқариш		
Аргентина	60	
Уругвай	35	

20-жадвал

Чорва сонига кўра етакчи регионлар

Регион	Млн. бош		
	қорамол	қўйчилик	чўчка
МДХ	65	65	40
Хорижий Европа	125	170	200
Африка	205	400	25
Шимолий Америка	105	10	70
Лотин Америкаси	350	175	90
Австралия ва Океания	40	200	5
Жами	1300	1800	950

Ёки дунё қорамолларининг 26 фоизи шу ерда боқилмоқда. Бразилия бу соҳада дунёда 1-ўринда туради.

Транспорти. Регион транспорт турининг ривожланиш даражаси турлича. Темир йўл XIX асрнинг бошларидан ривожланди. Регионда Бразилия, Мексика ва Аргентина етакчи. Автомобил транспортида Панамерика шоссеси машҳур, у барча мамлакатлар пойтахтидан ўтади. Ташқи савдода денгиз транспорт улуши катта.

Ташқи савдода регион улуши:

1. Банан экспортининг 80 % и
2. Кофе - 60%
3. Гўшт - 10%
4. Пахта ва какаоларнинг 20 % ини беради.



1.3. Ўзбекистон - Лотин Америкаси муносабатлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач Лотин Америкаси мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиш бошланди. Лотин Америкаси мамлакатларидан Бразилия, Аргентина ва Мексика мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда дўстона алоқаларни ўрнатди. Биргина Бразилия - Ўзбекистон товар айланмаси 16.7 млн. АҚШ долларига тенг. Ўзбекистон Бразилиядан 93.3 % мойли уруғлар, мевалар, 62 % тамаки маҳсулотлари олади. Ҳатто Бухоро шаҳри бозорларида Бразилия ёнғоғи, кофе, какао маҳсулотлари кенг ассортиментда сотилмоқда. Марказий Америкадан банан, ананас, киви каби мевалар ҳам импорт қилинмоқда.

21-жадвал

Ўзбекистон билан Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида дипломатик муносабатларининг ўрнатилиши

Мамлакатлар	Ўзбекистон Республикаси суверинетети тан олинган сана	Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилган сана
Аргентина Республикаси	1991. 26.12	1993.09.09
Бразилия Федератив Республикаси	1991.26.12	1993.30.04
Венесуэла Республикаси	1992.21.01	1996.26.04
Гайана Республикаси	1992.08.01	1993. 28.10
Коста-Рика Республикаси	1991.27.12	2001.07.06
Куба Республикаси	1992.20.01	1994.08.07
Мексика Қўшма Штати	1991.26.12.	1992.16.03
Панама	1992.02.01	
Парагвай Республикаси		2001.28..08
Перу Республикаси	1991.26.12.	1999.22.12.
Уругвай	1991.26.12.	1998.25.05
Чили Республикаси	1992. 18.03	1994.15.09
Эквадор Республикаси	1992.02.01	
Ямайка	1992.06.01	1996.08.08

Иқтисодий районларга тавсиф

Жануби-Шарқ – энг ривожланган район, Сан – Паулу штати ушбу районнинг ядроси бўлиб, мамлакат саноат маҳсулотининг 65 фоизи иқтисодий районнинг 82 фоизини ишлаб чиқаради. Сан – Паулу агломерациясида миллий саноат ишлаб чиқаришининг 40 фоизи тўпланган. Шунингдек, Рио - де- Жанейро ва Белу-Оризонти агломерациялари ҳам шу ерда жойлашган.

Район саноати йирик хом ашё ресурсларига асосланган.

Қишлоқ хўжалигида 70% экин майдони маданий экинлар – кофе, шакарқамиш, апельсин, пахта билан банд.

Жануб – аграр район. XIX асрнинг охирида Европадан келган италиялик, немислар ва словянларнинг келиши билан ўзлаштирилган. Иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги устун (шоли, буғдой, соя етиштириш, чорвачиликда чўчқачилик, узумчилик ва боғдорчилик). Саноати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайди. Мамлакат аҳамиятига озиқ-овқат (аввало гўшт), чарм пойафзал (мамлакатнинг 40% маҳсулоти), ёғочни қайта ишлаш (миллий ишлаб чиқариши 2(3), қоғоз целлюлоза ишлаб чиқаришга эга.

Шимоли – Шарқ. Дастлабки мустамлака қилинган ва қадимги плантация хўжалиги сақланган район. 70 % аҳолиси африкалик қулларнинг аجدодлари. Бу ердан бутун мамлакатга арзон ишчи кучи боради.

Нам қирғоқ текисликларида шакарқамиш (2/5 миллий маҳсулот), Бамя штатида какао (95% мамлакат маҳсулоти), Бразилиянинг ясси тоғлигининг қурғоқчил ён бағирларида пахта етиштирилади. Саноатида тоғ кон, тўқимачилик ва озиқ-овқат ривожланган. XX асрнинг охирларида нефтни қайта ишлаш, металлургия, кимё саноати ривожланган.

Марказлари: Ресифи, Сальвадор, Форталеза –Сан-Луис.

Марказий-Ғарб – фаол янги ўзлаштираётган район. Маркази Бразилия шахри.

Бразилия Федератив Республикаси

Бразилия Жанубий Американинг шарқий ва марказий қисмларида жойлашган мамлакат бўлиб, шимолда Суринам, Француз Гвианаси, Венесуэла, Гайана, жанубда Парагвай, Уругвай, Аргентина, ғарбда Колумбия, Перу, Боливия ва шарқда Атлантика океани чегарадош.

Пойтахти – Бразилия шаҳри.

Давлат тили португал, пул бирлиги реал.

Давлат тузилиши – Федератив республикаси, 26 та штат ва 1 та пойтахт федерал округидан иборат.

Давлат бошлиғи Президент (4 йилда сайланади). Қонун чиқарувчи орган – Миллий конгресс. Миллий байрами 7 сентябрь мустақиллик куни (1822 й.) Бразилия ер шаридаги йирик мамлакатлар қаторида туради. Қуйидаги миқдорий кўрсаткичлар фикримизни тасдиқлайди.

1. Худуди 8.5 млн. км. кв.
2. Аҳолиси 186 млн. киши (ер шарида 5-ўринда)
3. Куруқлик чегарасининг узунлиги 16 минг, денгизники - 7 минг км.

Куруқлик чегарасининг узунлиги ва қўшниларининг (10) сони бўйича Хитой ва Россиядан орқада холос. Дунё ва Лотин Америкаси иқтисодиётида мамлакат ўрни салмоқли. Ёки дунё ЯИМ нинг 2,7 фоизи (1600 млрд. долл.) ни ишлаб чиқаради, Лотин Америкасининг эса 80,0 фоиз ЯИМи тайёрланади. Аҳоли жон бошига 5000, сотиб олиш паритети бўйича 8400 долларни Бразилия дунёдаги 10 марказдан бири. Шунинг учун Хитой, Ҳиндистон ва Мексика билан бирга ривожланаётган мамлакатларнинг таянч мамлакатлар гуруҳига киритилган.

Табиий шароити ва ресурслари

Рельефида шимолий қисмини эгаллаган катта текис қисми Амазония, жанубида эса Бразилия яси тоғлиги яққол ифодаланган.

Иқлими: Бразилия экваториал, субэкваториал, тропик ва субтропик минтақаларда жойлашган. Шимолдан - Жанубга 4320 км чўзилган. Транспорти: темир йўллар узунлиги 30,5 минг км. (1995 й). Крансас-Сан-

Луис (900 км) темир йўли минерал хом ашёларни топишга мўлжалланган. Автомобил йўлларининг узунлиги 1,5 млн км, шундан 130 минг км. и каттик қопламали.

Трансамазония йўли. Дарё транспортида Амазонка ва унинг ирмоқлари муҳим. Денгиз портлари: Сантус, Риу-Гранди, Рио-де-Жанейро, Виктория, Ресифи, Сан-Луис.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Ташқи савдо таркибида 1970-1995 йилларда қайта ишлаш саноати маҳсулотлари экспорти 20 % дан 60 % гача ўсди. Кофе, какао, соя, ўроти, мой, малиналар экспорт қилади.

Энергетика йилига 385 млрд кВт/с (10-ўрин). Энергетика балансида 1/3 қисм гидро энергия, 1/3 нефт ва газ, 1/6 қисм спирт (шакарқамишдан олинадиган эталон, автопаркдаги автомобилларнинг 90 фоизи шу ёқилғи билан ишлайди), қолгани кўмир ва ўтин ҳиссасига тўғри келади.

Нефт ўз эҳтиёжининг ярмини қондиради. Нефтни қайта ишлаш заводларининг қуввати 63 млн т. бўлиб улар Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу ва Белу Оризонти шаҳарларида қурилган. Жами 11 та нефтни қайта ишлаш заводи.

Йилига ишлаб чиқаришда электр энергиянинг 96 фоизи ГЭС (18та) лар улушига тўғри келади.

Парана ва Сан-Франциску дарёларининг гидроэнергия қувватидан тўлиқ фойдаланилмоқда. Масалан, Итаўпу (12 млн кВт) ГЭС и Парана дарёсида Бразилия – Парагвай ҳамкорлигида қурилган.

Қора металлургия – юқори сифатли темир маъданига эга.


Бразилия хўжалигининг ҳудудий тузилиши (БХХТ).

Бразилия ХХТ полицентрик ёки кўп марказли. Унга хўжаликнинг ривожланиш даражаси, урбанизация, мустамлакачилик сиёсати таъсир кўрсатади.

ХХТда океан бўйи типи яққол намоён бўлади.

Худудининг бош “фокуси” йирик шаҳарлар бўлиб, ўсиш кутби, “ўсиш йўлаклари” учун хизмат қилади. Улар мамлакатнинг (портлар) “асосий дарвозалари”дир.

5-чизма. Бразилиянинг саноат “учбурчаги”



Сан-Паулу – Рио-де-Жанейро – Белу-Оризонти саноат учбурчаги мамлакат саноатининг ядросини ташкил қилади.

II Жаҳон урушидан сўнг Бразилияда минтақавий сиёсат – “саноат бурчагидан четга чиқиш” ўтказилади. Иқтисодни децентрализация – марказлашувни бартараф этиш учун денгиз бўйидан пойтахт мамлакат ичкарисига кўчирилди. (1960 й.) БХХТ га иқтисодий интеграцияларнинг (ЛАИ – Лотин Америкаси интеграцияси) (1981 й., таркибида 11 та аъзо) таъсири катта.

Бразилия рақамларда

1. Майдони 8.5 млн. км² (жаҳонда 5-ўринда)
2. Аҳолиси 190 млн. киши (жаҳонда 5-ўринда)
3. Темир маъдани 21 млрд т (жаҳонда 2-ўрин, Россиядан сўнг) темирни экспорт қилишда

4. Боксит бўйича дунёда 3-ўрин
5. Ҳайдаладиган ерлар бўйича (43,2 млн га, ҳудуди 5 фоизи) жаҳонда 7-ўринда, аҳоли жон бошига 0.32 га.
6. Уран бўйича жаҳонда 5-ўринда
7. Чучук сув захираси 6950 км^3 (дунёда 1-ўринда)
8. Сув омборлар сонига кўра (100 та) жаҳонда 6-ўринда
9. Ўрмон майдони 2-ўрин, Россиядан сўнг 480 млн га
10. Никоҳга (эркаклар 25.5, аёллар 23,5) кириш
11. Иқтисодий фаол аҳоли 45% ёки 70 млн киши
12. Саводсизлик 17%
13. Зичлик 1 км^2 23 киши
14. Энг йирик шаҳарлари Сан-Паулу – 19.4
15. Саноат ишлаб чиқариш бўйича (370 млрд долл)
- 16.Электр энергия ишлаб чиқаришда жаҳонда 10-ўринда -385 млрд кВт/с
17. Пўлат эритиш жаҳонда 10-ўрин -31млн т
18. Бокситни қайта ишлаш (21 млн. т.)да жаҳонда 2-ўринда (Австралиядан сўнг)
19. Автомобиль ишлаб чиқаришда дунёда 9-ўрин – 2.5 (2.1 энг) машина
20. Фосфорли ўғит ишлаб чиқаришда - дунёда 10 ўрин
21. Синтетик каучук ишлаб чиқаришда – дунёда 9-ўрин- 440 минг т
22. Ип-газлама ишлаб чиқаришда дунёда 7-ўрин 1.3 млрд м^2 (аҳоли жон бошига 7.2 м^2)
23. 2.9 млн га ер суғорилади
24. Бразилия-Парагвайда маниок, какао, ананас, каучук дарахти, ёнғоқ маданийлаштирилган
25. Кофенинг иккинчи ватани Бразилия бўлиб, XVIII асрда олиб келинган. Кофе ишлаб чиқаришда биринчи, 2.4 млн т
26. Донли экинлар ялпи ҳажмида 6-ўринда (67 млн. т.), шолида дунёда 8-ўрин (14 млн. т.)

27. Соя етиштиришда дунёда 2-ўринда, 50 млн т (АҚШдан сўнг) шакарқамиш етиштиришда биринчи (360 млн. т.), апельсинда биринчи, пахта толаси ишлаб чиқаришда дунёда 5-ўрин (1.3 млн т)
28. Қорамоллар сонига кўра биринчи (210 млн бош) қўйлар сони бўйича дунёда 16 –ўрин (16 млн бош)
29. Гўшт ишлаб чиқаришда 3- 19.3 млн т (аҳоли жон бошига 105 кг), сут ишлаб чиқариш (қорамол) дунёда 7-ўринда – 23.3 млн т, аҳоли жон бошига 130 кг
30. Темир йўллар узунлиги бўйича дунёда 9-ўринда (30 минг км.), автомобил йўлларининг узунлиги бўйича 3-ўринда (2 млн. км.)
31. Автомобил паркида 28 млн автомобил бор (дунёда 7-ўрин). Дунёда 800 млндан ортиқ машина бор.
32. БМТ нинг атроф муҳит бўйича 1992 йил ёзида Рио-де Жанейро шаҳрида 2-конференция бўлиб, унда 179 мамлакат иштирок этди ва 5 та ҳужжат қабул қилинди:
1. Атроф муҳитни ривожлантириш
 2. ХХІ аср кун тартибида
 3. Ўрмонлар ҳақида
 4. Биохилма-хиллик
 5. Иқлим ўзгариши

II Боб. Лотин Америкасининг аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қуроллар тайёрлаш

2.1. Лотин Америкаси аҳолисини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қуролларнинг тавсифи.

Жанубий Америка этник харитаси (миллий харитаси) дидактик кўргазмали қуролида Жанубий Америкада яшовчи халқларини материк бўйлаб жойлашиши тасвирланган. Кўргазмада ранглар усули ва геометрик шаклларида ифодаланган. Харитада берилган шартли белгилар қуйидагилар:




Негрлар ва мулатлар



Хитойликлар ва японлар



Индеецлар



Испанлар ва португаллардан келиб чиққан
халқлар (креоллар).


Негрлар ва мулатларнинг тарқалиши қора доираларда ифодаланган. Бу ерда қора доиралар ҳажми (катта кичиклиги) бир хил бўлгани учун негр ва мулатлар сонини ифодаламайди. Маълум ҳудудда қора доиралар қанча кўп бўлса, шу ҳудудда негрлар ва мулатлар кўп яшабини кўрсатади. Жанубий Америка материгида негр ва мулатларни ўқувчиларга баён қилганимизда материкнинг Атлантика океани бўйларида уларни зичроқ яшабини кўрсатамиз. Шунингдек материкнинг шимоли, Амазонка дарёси ҳавзасида улар сони кўп. Маълумки, негрлар асосан материкдаги тоғ-кон саноати ёлланма ишчиларга талаб катта ҳудудларда яшайди. Материкда хитойликлар ва японларни тарқалган ҳудудлари бўш доиралар усулида тасвирланган. Уларнинг материк шимолида Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу шаҳарларида кўплаб яшаётганликларини кўриш мумкин. Материкнинг туб жой аҳолиси индеецларнинг жойлашуви яшил рангда катакчалар усулида берилган. Бу

ерда ҳам унинг сони ифодаланмайди, балки ареал бўйлаб ҳудудий жойлашув тасвирланган. Ушбу кўргазмани яна бир устунлиги ҳар бир миллат ва халқнинг ҳудуд бўйлаб яққол ифодаланганлигидир. Харитага шундай назар ташлаганда унинг 4 хилдаги усул ва шаклда тасвирланганлигини кўрамиз.


Испан ва португалларнинг авлодлари бўлмиш креоллар йўл-йўл усулда тасвирланган. Улар ҳам ҳудудий жиҳатдан денгиз бўйларида яшайди. Ушбу кўргазманинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: Биринчидан назарий билимлар беради, уни мустаҳкамлайди (қайси миллат ва элатлар яшаши тўғрисида билимлар). Иккинчидан – миллатлардан ҳудудий жойлашуви қонуниятларини очиқ беради. Жумладан, туб жой аҳолиси билан “меҳмон халқлар” жойлашуви ҳақидаги билимларни беради. Ўқувчилар билимини баҳолашда асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Учинчидан – Жанубий Америка этник харитаси дидактик кўргазмали қурооллардан амалий машғулотлар бажаришда фойдаланиш мумкин. Тўртинчидан – бу харита ўқувчиларга маънавий-маърифий восита бўлиб хизмат қилади.

Бу кўргазмали қурооллар 2008 йилда чоп этилган В.П.Максаковскийнинг “Географическая картина мира” китоби маълумотлари асосида тузилди.

2-харита. Бу дидактик кўргазма Жанубий Американинг аҳоли зичлиги харитаси (С.А.Польский ва М.В.Омельченко) маълумотлари асосида тузилган. Аҳоли зичлигида ареал усулида фойдаланилган. Аҳоли зичлиги қуйидагича тавсифланган:



200 дан ортиқ



20 – 200



2 – 20



2 дан кам

Жанубий Америкада 387 млн. киши яшайди. Ўртача зичлик 22 киши. Лотин Америкаси аҳоли зичлиги 4 хил усулда тасвирланган. Аҳоли зичлиги кўрсаткичлари катталашган сари бу йўлакчалар зичлашиб боради. Масалан: аҳоли зичлиги 1 км^2 да кам ҳудудларни тасвирловчи йўлакчалар ораси аҳоли зичлиги 20-200 бўлганда 10 барабар кичрайиб боради. Бу харитада ҳам аҳоли зичлиги ҳудудлар ареали нисбатан кичик. Аҳоли зичлиги 1 км^2 да 100 кишидан ортиқ ҳудудлар 6 та. Буэнос-Айрес, Каракас, Жоржтаун, Рио-де-Жарейно, Монтевидео, Сан-Паулу. Аҳоли 20-200 гача ҳудудлар еттита. Булар парча-парча ҳолда тасвирланган. Аҳоли 1 км^2 да 2-20 гача. Булар яхлит узвий ареал ҳосил қилади. Энг катта ҳудуд 2-20 гача бу узвийликни сақлаб қолган. Аҳоли зичлиги 2 кишидан кам ҳудудлар бу ердаги аҳоли Амазония ўрмонлари ва Атакама чўли атрофларида аҳоли жуда сийрак яшайди. Бу кўргазмада Жанубий Америкадаги йирик шаҳар агломерацияларини ўрганиш мумкин. Бу дидактик кўргазмада дунё аҳоли зичлиги бошқа регион аҳолисини ўрганишни таққослаш мақсадида урбанизация жараёни топография фанларини ўтишда фойдаланилади. Юқоридаги кўргазма сингари бунинг ҳам маънавий-маърифий билим бериш имконияти катта. Бу дидактик кўргазмада Жанубий Американинг йирик агломерацияларини ўрганиш мумкин. Аҳоли жойлашувида қуйидаги омилларни таъсирини ўрганиш мумкин.

1. Табиий омиллар (табиий географик ўрни, иқлим, рельеф).

2. Иқтисодий-ижтимоий омиллар. (Иқтисодий географик ўрин, ривожланиш даражаси, миграцияси)

3. Мустамлакачилик сиёсати. Бу харитадан амалий дарсларда, мавзунини сўрашда фойдаланилади.

2.2. Лотин Америкаси хўжалигига оид дидактик кўргазмали қурулларнинг тавсифи.

Лотин Америкасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ривожланиш жадвали. Бу жадвалда 2 та тавсиф берилган.

1) Регион бўйича чорва моллари.

2) Айрим мамлакатларда чорва моллари тавсифланган.

22-жадвалда регионда 350 млн. бош қорамол, 175 млн. бош қўй ва эчки, 90 млн. бош чўчка боқилиши кўрсатилган. Бу маълумотлар Лотин Америкасида чорвачилик етакчи тармоқлардан бири эканлиги кўрсатилган. Дунё қорамолларининг 26 фоизи Лотин Америкасида боқилади (Бразилия бу соҳада дунёда 1-ўринда).

22-жадвал

Лотин Америкасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши

Чорва моллари сони, млн бош		
Қорамол	Қўй ва эчки	чўчка
350	175	90

23-жадвал

Лотин Америкаси айрим мамлакатларида чорва моллари сони (2006)

Мамлакат	Чорва моллари сони, млн бош		
	Қорамол	Қўй	чўчка
Бразилия	210	16	33
Аргентина	50	13	
Мексика	32		15
Колумбия	26		
Уругвай		20	

23-жадвалда Лотин Америкасида чорва моллари сонига кўра етакчи мамлакатларни исботлайди. Жадвалда чорва моллари 10 млн. дан ортиқ бўлган Лотин Америкасидаги мамлакатлар киритилган. Бу ердаги мамлакатлар жаҳондаги чорва моллари сонига кўра жаҳондаги йирик 10 мамлакат қаторидан олинган.

Лотин Америкаси хўжалигига оид дидактик кўргазмали куруллардан яна бири, Бразилия иқтисодиёти тўғрисидаги қисқача маълумотлар деб номланган жадвалдир. Бу жадвални тузишда дарслик ва қўлланмалардан фойдаландим. Бразилия давлатини алоҳида танлашимга сабаб бугунги кунда бу давлат жаҳон хўжалиги географик моделига алоҳида марказ сифатида ажратилганлиги учун олдим. Жадвалда Бразилияни жаҳонда номдор қилиб турган ишлаб чиқариш “рамзларини” тасвирладим. Жадвални яна бир ютуғи 1990 йил, 2002 йил – 2006 йил яқунлари тасвирланган. Бу жадвалдан хулоса шуки “Бразилия мўъжизаси” дунёни лол қолдирган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон – Бразилия муносабатлари ва Бразилия мўъжизаси тўғрисида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда дўстона алоқаларни ўрнатди. Кўргазмада 10 та хусусият бўйича жаҳондаги мавқеи кўрсатилган.

24-жадвал

Бразилия иқтисодиёти тўғрисида қисқача маълумотлар

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тури	1990 й.	2006 й
Пўлат эритиш млн т.	21	31
Бирламчи алюминий эритиш млн.дона	***	1.5
Автомобиль ишлаб чиқариш млн дона	***	2.5 (2005 й.)
Синтетик каучук минг т.	***	440 (2002 й.)
Ип-газлама млрд.кв.м.	***	1.3
Доннинг ялпи ҳосили	***	67 (2005 й)

Шоли ялпи ҳосили млн т.	***	40 (2005 й)
Шакарқамиш етиштириш, млн т.	***	360 (2005 й.)
Кофе етиштириш, минг тонна	***	2400 (2005 й.)
Какао етиштириш, минг т.	***	200 (2005 й.)

1.Бразилия пўлат эритишда дунёда 10-ўринда туради. Йилига 31 млн тонна ишлаб чиқаради.

2.Автомобил ишлаб чиқариш дунёда 9-ўринда, йилига 2,5 млн дона машина ишлаб чиқаради, шундан 2.1 млн донаси енгил машина.

3. Синтетик каучук ишлаб чиқаришда дунёда 9-ўринда, йилига 440 минг тонна ишлаб чиқаради.

4.Ип-газлама ишлаб чиқаришда дунёда 7-ўринда, йилига 1.3 млрд м³ (аҳоли жон бошига 7.2 м²).

5.Доннинг ялпи ҳосили бўйича дунёда 6-ўринда, йилига 67 млн тонна.

6.Шоли ялпи ҳосилини етиштиришда дунёда 8-ўринда (14 млн т.)

7. Шакарқамиш етиштиришда жаҳонда 1-ўринда, йилига 360 млн т.

8.Кофе етиштиришда жаҳонда 1-ўринда, йилига 2400 млн т. Кофенинг иккинчи ватани Бразилия бўлиб, XVIII асрда олиб келинган.

9. Какао етиштиришда дунёда 5-ўринда, йилига 200 минг тонна етиштиради.

Хулоса ва таклифлар

Лотин Америкаси мамлакатларининг аҳолиси ва хўжалиги мавзуларини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қурооллар жаҳон иқтисодий – сиёсий географияси фанини ўрганишда муҳим маънавий – маърифий восита бўлиб хизмат қилади. Регионнинг аҳолиси ва унинг миллий таркиби, жойлашуви муаммолари каби кўргазмали қуроолларда акс эттирилган.

Лотин Америкаси хўжалигининг ихтисослашуви, айниқса қишлоқ хўжалигининг устунлиги жадваллардаги маълумотларда мужассамланган. Бразилия сўзсиз дунёнинг ва Лотин Америкаси иқтисодиётининг улкан марказларидан бири. Бразилия иқтисодиёти эришаётган ютуқларини намойиш этаётган кўргазма ўқувчиларни ушбу мамлакат ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайди. Юқоридагилар Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қурооллар тўғрисидаги хулоса ва таклифлар беришга асос бўлади.

1. Лотин Америкаси аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қурооллардан жаҳон ва регионлар аҳолиси хўжалиги мавзуларини ўтишда ҳудудийлик, мажмуалилик, экологик тамойилларини ечишда амалий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

2. Миллий истиқлол ғояси, тарих каби фанлар билан предметлараро алоқалар йўналишида мустамлакачилик сиёсатининг назарий ва амалий жиҳатларини, оқибатларини ушбу кўргазмалар яққол ифодалайди, ўтмишдан гувоҳлик беради.

3. Ушбу кўргазмаларнинг маърифий ва маънавий салоҳиятидан сиёсий ахборот, география фанидан дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирларида фойдаланиш ҳам самара беради.

4. Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолиси ва хўжалиги дидактик кўргазмали қурооллар талабларининг педагогик амалиётлар даврида ҳам дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда ишлатилиши мумкин.

5. Келажакда ушбу кўргазмаларнинг электрон нусхаларини ҳам тайёрлашни режалаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2010. - 80 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2009. - 176 б.
4. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. – Москва, Мысль, 1983. – 350 с.
5. Власова Т.В. Материклар табиий географияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1981.
6. Гладкий Ю.Н., Лавров С.Б. Глобальная география. 11 кл. М.: Дрофа, 2001. - 352 с.
7. Климанова О.А., Климанов В.В. Тесты по географии для поступающих в вузы. – Москва, Рольф, 2001. - 288 с.
8. Колосовский Н.Н. Теория экономического районирования. – Москва, Мысль, 1960.
9. Кузнецов А.П. География. Население и хозяйство мира. – Москва, Дрофа, 1999. 304 с.
10. Липец Ю.Г., Гуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. – Москва, Владос, 1999.
11. Ломакин В.Х. Мировая экономика. – Москва, 1998.
12. Максаковский В.П. Географическая культура. – Москва, Владос, 1998. - 416 с.
13. Малая энциклопедия стран. сост Сироженко Н.Г., Менделеев В.А. – Москва, 2004. - 709 с.
14. Малый атлас мира. – Москва, 2005.

15. Назаров И.К. Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация приподпольного использования. – Ташкент, Фан, 1992, 100 с.
16. Программно-методические материалы. География 10-11 кл. сост. В.И. Сиротин. 4-е, изд стереотип. – Москва, Дрофа, 2001. - 160 с.
17. Родионова И.А. Экономическая география. – Москва, Издательство «Экзамен», 2003. - 672 с.
18. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва б. Минтақавий иқтисодий. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2003. – 304 б.
19. Салиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан. – Т., 2005. – 173 с.
20. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Т.: Зиё, 1999. – 181 б.
21. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под. ред. Вольского В.В. – Москва, 2007. 498 с.

Бухоро давлат университети Гидромелиорация факультети
география бўлими битирувчиси Бафоева Гулмехранинг
“Лотин Америкасининг аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид
дидактик кўргазмали қурооллар тайёрлаш” мавзусидаги битирув
малакавий ишига

ТАҚРИЗ-ТАВСИЯНОМА

Бафоева Гулмехра томонидан Лотин Америкасининг аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик кўргазмали қурооллар тайёрлаш мавзусидаги битирув малакавий иши режа (кириш, 2 боб хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати) асосида ёзилган.

Кириш қисмида жаҳон иқтисодий ва сиёсий географияси фанининг аҳамияти, дидактик кўргазмали қуроолларнинг таълим-тарбиявий роли, Битирув малакавий ишининг таркиби, тузилиши ва мамлакатимизда “2010 йил - Баркамол авлод йили”да амалга оширилаётган Давлат дастурининг мазмуни тавсифланган.

Битирув малакавий ишнинг I боби “Лотин Америкаси географияси” деб номланган. Унинг 3 бўлимида регионнинг географик ўрни, майдони, чегаралари, табиати, аҳолиси, хўжалиги ва Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари ёритилган.

Бафоева Гулмехра Лотин Америкаси географиясини атрофлича ёритиш учун 6 расм, 5 та чизма, 21 та жадвалдан фойдаланган.

II бобни мукаммал ўрганиш учун биринчи боб манба сифатида берилган. Г.Бафоева айрим расм ва жадвалларни қисқача таҳлил қилган. Битирув малакавий ишининг мавзуси II бобда ўз тавсифини топган.

4 та дидактик кўргазмали қуроолларнинг расмлари берилган ва улар тавсифланган.

Жумладан, этник харитада Лотин Америкаси халқларининг миллий таркиби, ҳудудий жойлашуви, шартли белгиларда ифодаланиши тўғри таҳлил қилинган.

Бафоева Гулмехраларнинг Битирув малакавий иши ютуқларидан яна бири туб жой аҳолиси бошидан кечирган оғир кунлар ҳақидаги воқеаларни келтирганлигидир.

Бафоева Гулмехра ишнинг кўргазмалилигини тўла таъминлаган.

Юқоридаги ютуқлар билан бирга Битирув малакавий ишида қуйидаги ниҳоясига етмаган фикрлар учрайди, жумладан 1. I бобдаги айрим матн қисмидаги (аҳоли, хўжалигига оид) воқеа, жадвалларни, дидактик кўргазмали курулларнинг таҳлили мазмунан бойирди.

Битирув малакавий ишининг бажарилиши ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради ва ундаги ютуқлар ишни ҳимояга тавсия этиш учун асос бўла олади.

География кафедраси мудири

г.ф.н. доцент:

Тошов Х.Р

Июнь 2010 й.

**Гидромелиорация факультети география бўлими IV босқич
талабаси Бафоева Гулмехра Халиловнанинг “Лотин Америкаси
мамлакатла рининг аҳолиси ва хўжалигини ўрганишга оид дидактик
кўргазмали қуроллар тайёрлаш” мавзусидаги битирув малакавий
ишига
ТАҚРИЗ**

Мазкур битирув малакавий иши “Лотин Америкаси мамлакатларининг аҳолиси ва хўжалиги” мавзуларини ўрганиш бўйича дидактик кўргазмали қуроллар тайёрлашга бағишланган.

Битирув малакавий иши режа асосида: (2 боб, 5 бўлим, хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати) асосида ёзилган.

Кириш қисмида битирувчи мавзуни танлашдан мақсади, вазифаларини атрофлича ёритиб берган.

I Боб. “Лотин Америкасига умумий тавсиф” деб номланган.

Унинг биринчи бўлимида Лотин Америкаси давлатлари сиёсий картаси ва уларнинг изоҳи келтирилган. Учинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси ва Лотин Америкаси давлатларининг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги алоқаларига алоҳида эътибор қаратган.

II Боб битирув малакавий ишининг асосий мазмунини ташкил этиб, Бафоева Гулмехра томонидан тайёрланган дидактик кўргазмали қуролларнинг тавсифига бағишланган. Битирувчи кўргазмаларни тайёрлашда статистик материалларни йиғиб, уларни таҳлил қилган.

Бафоева Гулмехра мавзуга оид 4 та дидактик кўргазмали қурол тайёрлаган. Ушбу кўргазмалардан “Жанубий Американинг аҳоли зичлиги”, “Жанубий Американинг этник” харитаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қисмида битирувчининг битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида вужудга келган хулоса ва таклифлари (5 та) берилган.

Иш сўнгида 20 дан ортиқ адабиётлар рўйхати келтирилган.

Умуман олганда битирувчи Бафоева Гулмехра томонидан ёзилган битирув малакавий иш ва тайёрланган кўргазмали куруллар илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ишни ижобий баҳолайман ва ҳимояга тавсия этаман.

География кафедраси

ўқитувчиси:

М.К.Эргашева

Июнь 2010 й.